

«ANOR BANK» АЖ
Кузатув кенгаши томонидан
ТАСДИҚЛАНГАН

2020 йил _____
_____ – сонли баённома

Кузатув кенгаши раиси

_____ **Ш.Қ. Каримбаев**

«ANOR BANK»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ИЧКИ НАЗОРАТ
СИЁСАТИ

Тошкент – 2020

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «ANOR BANK» акциядорлик жамиятининг мазкур Ички назорат сиёсати (кейинги ўринларда – Сиёсат) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги тахрир) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 24.06.2020 йил 472-сон билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 05.07.2020 йилда 943-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомга ва «ANOR BANK» акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – “банк”) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Сиёсат ички назорат тизимининг мақсадлари ва вазифаларини, унинг ишлаш принципларини, шунингдек банкда ички назорат учун жавобгар бўлган органлар ва шахсларни белгилайди.

3. Ушбу Сиёсатда ишлатиладиган тушунчалар:

Ички назорат - банк (унинг бошқарув органлари, бўлинмалари ва ходимлари) томонидан амалга ошириладиган ва молиявий-иқтисодий фаолият, активлар ва пасивларни бошқариш, хатарларни банк акциядорлари ва мижозлари манфаатларига таҳдид солмайдиган даражада ушлаб туриш учун хатарларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнларининг самарадорлигини оширишга қаратилган фаолият;

Ички назорат тизими - бу ички назорат субъектлари, банк фаолиятини ташкил этиш бўйича ички назорат йўналишлари, ваколатларни тақсимлаш, чекловларга риоя қилиш, шунингдек бошқарув органлари томонидан банк фаолиятини ташкил этиш устидан назорат қилиш, банк хатарларини бошқариш тизимининг ишлашини назорат қилиш ва уларни баҳолаш, банк операциялари ва битимларни амалга оширишда ваколатларнинг тақсимланишини назорат қилиш, ахборот оқимларини бошқариш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш устидан назорат, молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва ишончли тақдим этилишини назорат қилиш, банк операцияларни ва битимларни амалга оширишда қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш, ички назоратни мониторинг қилишни ўз ичига оладиган ташкилий мажмуа;

Ички назорат органлари тизими - банкнинг ички ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқарув органлари, шунингдек ички назорат тизимида функцияларни бажарувчи бўлинмалар ва ходимларнинг (масъул ходимлар) мажмуи;

Банк бўлинмалари - банк бўлинмалари, шу жумладан унинг алоҳида ва ички таркибий бўлинмалари;

Банк таваккалчиликларини бошқариш - банк фаолиятида банк хатарларини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида банкнинг ички ҳужжатлари белгиланадиган тадбирлар ва тартиб-қоидалар мажмуи ва банкнинг молиявий барқарорлигига, унинг кредиторлари ва омонатчиларининг манфаатларига таҳдид солмайдиган, уларни бартараф этиш ва минималлаштиришга қаратилган, банкнинг ишлашини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, норматив ва бошқа ҳужжатларга мувофиқ банкнинг мақсад ва вазифаларига эришишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ахборот хавфсизлиги - ахборот, ахборот инфратузилмаси, ахборотни тўплаш, шакллантириш, тарқатиш ва ахборотдан (ахборот оқимидан) фойдаланиш билан шуғулланувчи субъектлар, шунингдек, ушбу ҳолатда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи тизимнинг мажмуи бўлган ахборот соҳасида банкнинг манфаатларининг (мақсадлари) ҳимояланган ҳолати;

Манфаатлар тўқнашуви - бу банк ва (ёки) унинг мижозлари учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган, банк ва (ёки) унинг ходимлари ва (ёки) мижозларининг мол-мулк ва бошқа манфаатлари ўртасидаги қарама-қаршилик.

4. Сиёсат талаблари мажбурий бўлиб, ички назорат соҳасида тегишли ходимга юкланган функцияларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир банк ходими учун қўлланма ҳисобланади.

II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ МАҚСАДЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

5. Банкнинг ички назорати тизими фаолиятининг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятини самарали амалга оширишни, активлар ва пассивларни бошқаришни, хатарларни банк акциядорлари ва мижозлари манфаатларига таҳдид солмайдиган даражада ушлаб туришни ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларини таъминлашдан иборат.

6. Ички назорат оператив режимда қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:
активларнинг сақланиши, банк ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш;
амалдаги қонунчилик ва банкнинг ички ҳужжат талабларига риоя қилиш;
банкнинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини, банкнинг бизнес-режаларини амалга ошириш;

банкнинг бухгалтерия ҳужжатларининг, молиявий ҳисоботларнинг ва бошқарув маълумотларининг тўлиқлиги ва аниқлиги таъминлаш;

банк фаолиятида хатарларни, уларни юзага келадиган вақтида аниқлаш, идентификациялаш ва таҳлил қилиш;

банк фаолиятида хатарларни режалаштириш ва бошқариш, шу жумладан хатарларни бошқариш бўйича ўз вақтида ва оқилона қарорларни қабул қилиш;

банкнинг ишбилармон доираларда ва мижозлар орасида обрўсини ўрнатиш ва сақлаб туриш;

Тафтишчи, Кузатув кенгаши ва банк Бошқаруви аъзоларига мукофотлар ва компенсацияларни тўлашнинг тенглилиги, ошқоралиги ва холислиги.

7. Банкдаги ички назорат тизими қуйидаги тамойилларга асосланади:
ички назоратнинг домийлилиги ва узлуксизлиги;
ички назорат тизимини ташкил этишга комплекс ёндашув;
банкнинг таркибий бўлинмалари ва ички назорат функцияларини бажарувчи банк ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, банк операциялари ва битимларни амалга оширишда жиноят ва ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш учун вазифаларни тўғри тақсимлаш.

банк фаолияти ўзгарганда ёки унинг қўлами кенгайган тақдирда ички назорат тизимини доимий равишда мониторинг қилиш ва такомиллаштириш

банк фаолиятининг барча йўналишалари устидан ҳар томонлама ички назорат ички назоратнинг қўп босқичлилиги

ички назорат функцияларини бажарувчи банк ходимларининг чуқур билимга эгаллиги ва малака эгаллиги

ички назорат тизимининг банк томонидан амалга ошириладиган операциялар характерига ва ҳажмига мувофиқлиги.

III. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

8. Ички назорат тизими банкнинг барча фаолиятини қамраб олиб қуйидаги назорат йўналишларини ўз ичига олади:

8.1. Банк фаолиятини ташкил қилиш устидан бошқарув органлари томонидан назорат.

Банк бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида:

банк фаолияти амалга ошириш давомида ўз олдига қўйилган мақсадларга эришишга таъсир этувчи хатарларни баҳолайди ва банк хавфларини баҳолаш самарадорлигини таъминлаш мақсадида ўзгарувчан шароитлар ва шартларга жавоб чораларини кўради;

ўз хизмат вазифаларига мувофиқ барча банк ходимларининг ички назоратида иштирок этишини таъминлайди;

ходимларни банкнинг бошқарув органлари ва бўлимлари раҳбарларига Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ҳужжатлари, таъсис ва ички ҳужжатлар бузилганлиги, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, касбий этика қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари тўғрисида маълумот этказиш тартибини ўрнатади;

ички назорат бошқарувининг банк бўлинмалари ва ходимлари билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари бўйича назоратни амалга оширади ва ҳужжатларни тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунларига, ички назорат мақсадларига зид бўлган хатти-ҳаракатлар содир этилишини рағбатлантириши мумкин бўлган қоидалар қабул қилиниши ва амалиётга тадбиқ этилишини истисно этади;

бошқарув органларининг қарорлари бажарилманлиги учун жавобгарликни белгилайди;

ички назорат қоидалари ва тартибларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкнинг ички назорат тизими сифатини баҳолаш натижаларини кўриб чиқади ва банкнинг ички назорат тизимида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ишларни ташкил этади.

8.2. Банк таваккалчиликларини бошқариш тизимининг ишлаши устидан назорат қилиш ва банк таваккалчиликларини баҳолаш.

Назорат доимий равишда банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Банк таваккалчиликларини баҳолашда банк фаолиятини амалга оширишга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар аниқланади ва таҳлил қилинади. Банк таваккалчиликларининг ошишига таъсир этувчи омиллар тўғрисида тегишли раҳбарларни хабардор қилиш тартиби маълум бир хатарни тавсифлайдиган банк фаолиятининг ҳар бир йўналишини тартибга солувчи банкнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади.

8.3. Банк операциялари ва бошқа битимларни амалга оширишда ваколатларни тақсимлаш устидан назорат.

8.3.1. Банк операциялари ва бошқа битимларни амалга оширишда бўлинмалар ва банк ходимлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш тартиби банкнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади ва қуйидаги назорат шаклларини ўз ичига олади:

бошқарув органлари томонидан камчиликларни, қоидабузарликларни ва хатоларни аниқлаш мақсадида ҳисобот, ҳужжатлар ва бўлинмалар фаолияти натижалари тўғрисида маълумотларни, тегишли бўлинмалар раҳбарларининг тушунтиришларини талаб қилиш орқали амалга ошириладиган текширишлар;

бўлинмалар раҳбарлари томонидан доимий равишда ўзларига бўйсунадиган ходимларнинг иши тўғрисидаги ҳисоботларни текшириш орқали амалга ошириладиган назорат;

моддий бойликларга кириш чекланганлигини текшириш, моддий бойликларни (нақд пуллар, ҳужжатли шаклдаги қимматли қоғозлар ва бошқалар) қайта ҳисоблаш, моддий бойликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш учун жавобгарликни бўлишиш, моддий бойликларни сақлаш жойларини кўриқлашни таъминлаш текшириш орқали амалга ошириладиган моддий (жисмоний) назорат;

банк операциялари ва бошқа битимларни амалга ошириш учун белгиланган чекловларни мувофиқлигини тегишли ҳисоботларни олиш ва бирламчи ҳужжатлар маълумотлари билан солиштириш орқали текшириш;

белгиланган чекловлардан ошиб кетадиган, тегишли операциялар (битимлар) ва мавжуд ҳолатлар тўғрисида тегишли банк (унинг бўлинмалари) раҳбарларини ўз вақтида хабардор қилиш ва уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўғри акс эттирилишини назарда тутадиган банк операциялари ва бошқа битимларни амалга оширишда операцияларни (битимларни) амалга оширишни мувофиқлаштириш (тасдиқлаш) ва ваколатларни тақсимлаш тизими;

банк операциялари ва бошқа битимларнинг амалга оширилиш тартибига мувофиқлигини текшириш, ҳисобларни солиштириш, аниқланган қоида бузарликлар, хатолар ва камчиликлар тўғрисида тегишли банк (унинг бўлинмалари) раҳбарларини хабардор қилиш.

8.3.2. Ходимларнинг лавозим мажбуриятлари манфаатлар тўқнашуви ва унинг юзага келиш шартлари, банк операциялари ва бошқа битимларни амалга оширишда жиноятлар ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатларнинг бартараф қилиш учун тақсимланади. Битта бўлимга ёки битта банк ходимига қуйидаги ҳуқуқларни беришга йўл қўйилмайди:

банк операциялари ва бошқа битимларни амалга ошириш ва уларни рўйхатга олиш ва (ёки) ҳисоботни кўрсатиш;

пул маблағларини тўлашга рухсат бериш ва уларнинг ҳақиқий тўловини амалга ошириш;

мижозларнинг банк ҳисобварақлари ва ўзларининг молиявий-хўжалик фаолиятини акс эттирувчи ҳисобварақлари бўйича операцияларни амалга ошириш;

банк мижозларига консалтинг ва ахборот хизматларини кўрсатиш ва ўша мижозлар билан операцияларни амалга ошириш;

кредит бериш пайтида тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини баҳолаш ва қарз олувчининг молиявий ҳолати мониторингини амалга ошириш;

манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа соҳада ҳаракатларни бажариш.

8.3.3. Банк ички ҳужжатларида манфаатлар тўқнашуви мумкин бўлган жойларни аниқлаш ва назорат қилиш, банкнинг бошқарув органларида лавозимларни эгаллаб турган ходимларнинг мажбуриятларини текшириш, шунингдек бошқа ходимлар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларни яшириш имкониятини истисно қилиш тартибини белгилайди.

8.4. Ахборот оқимларини (ахборот олиш ва узатиш) бошқариш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш устидан назорат

8.4.1. Банк фаолияти йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида, ишончли, фойдалана оладиган ва тўғри расмийлаштирилган бўлиши керак. Назорат тартибини банк фаолиятининг барча йўналишларига татбиқ этиш керак. Автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва техник воситалар устидан ички назорат умумий назорат ва дастурий бошқарувдан иборат.

8.4.2. Автоматлаштирилган тизимларнинг умумий назорати компьютер тизимларини бетўхтов ва узлуксиз ишлаш мақсадида назоратини кўзда тутди. Банкнинг ички ҳужжатлари маълумотларни захиралаш (нусхалаш) ва автоматлаштирилган ахборот тизимлари функцияларини тиклаш тартибларини ўз ичига олади.

8.4.3. Дастур назорати амалий дастурларга киритилган автоматлаштирилган процедуралар, шунингдек, банк операциялари ва бошқа битимларни қайта ишлашни бошқарувчи қўлда бажариладиган процедуралар ёрдамида амалга оширилади. Банк ички ҳужжатларда ахборотни бошқариш қоидаларини, шу жумладан рухсатсиз киришдан, махфий маълумотларни тарқатиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИ

9. Банк Уставида ва банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган ваколатларга мувофиқ ички назорат амалга оширилади:

- 9.1. Банк бошқаруви органлари томонидан:
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан;
 - Кузатув кенгаши томонидан;
 - Бошқарув томонидан;
 - Бошқарув раиси томонидан;
- 9.2. Банк Тафтишчиси томонидан;
- 9.3. Бош Бош бухгалтери (Бош бухгалтер ўринбосари) томонидан;
- 9.4. Ички аудит бошқармаси томонидан;
- 9.5. Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ ички назоратни амалга оширадиган таркибий бўлинмалар ва ходимлар томонидан, шу жумладан:
- Ички назорат бошқармаси томонидан;
 - Ахборот хавфсизлиги бошқармаси томонидан;
 - Юридик бошқарма томонидан;
 - Риск-менежмент бошқармаси томонидан;
 - Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасининг ички назорат бўлими томонидан.

10. Банк **Акциядорлари умумий йиғилишининг** ички назоратни амалга ошириш соҳасида ваколатларига қуйидаги масалалар киради:

банк Кузатув кенгаши аъзоларини, Бошқарув раиси ва банк аудиторини сайлаш;
банкнинг ташқи аудиторини тасдиқлаш, унинг ҳисоботларини кўриб чиқиш;
йиллик ҳисоботларни, шу жумладан банкнинг йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тасдиқлаш;
аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича банк аудиторининг тавсияларини кўриб чиқиш
банкнинг молиявий ҳисоботларини тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилиш;
амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар ва манфаатдорлик бўлган битимларни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

11. Банк **Кузатув кенгашининг** ички назоратни амалга ошириш соҳасида ваколатларига қуйидаги масалалар киради:

самарали ички назорат тизимини яратиш ва ишлашини таъминлаш;
Бошқарув раисининг таклифига биноан Бошқарув аъзоларини, раис ўринбосарларини тайинлаш;
банк фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлаш;
банкда ички назоратни ташкил этишнинг асосий принтсипларини белгилайдиган ички норматив ҳужжатларни тасдиқлаш орқали ички назорат тизимини яратишда иштирок этиш.;

мунтазам равишда банк фаолиятининг айрим масалалари бўйича банк Кузатув кенгаши кўмиталарини эшитиш ва банк Кузатув кенгаши кўмиталари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш. Тафтиш комиссиясининг ваколатлари ушбу Сиёсатнинг 12-бандида келтирилган;

банк Ички аудит бошқармаси (кейинги ўринларда - бошқарма) раҳбарининг таклифлари асосида бошқарманинг йиллик ва чорақлик текширув режаларини, банкни текшириш режаларини бажарилиши бўйича бошқарма ҳисоботларини тасдиқлаш, ҳар чорақда банк аудитининг натижалари бўйича бошқарув ҳисоботларини кўриб чиқиш;
ўзининг йиғилишларида ички назорат самарадорлигини мунтазам равишда кўриб чиқиш ва банкнинг ижроия органлари билан ички назоратни ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини муҳокама қилиш;

банк Бошқаруви раисининг банк фаолияти тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат ва таваккалчиликларни бошқариш тизимининг самарадорлиги масалалари ўз ичига оладиган ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш;

банкнинг ижроия органлари томонидан Ички аудит бошқармаси, аудиторлик ташкилоти ва назорат органларининг тавсиялари ва мулоҳазаларини тезкор бажарилиши бўйича чораларини кўриш;

банк ички назорат тизимининг ўзгариши ҳолатларида банк фаолиятининг хусусияти ва кўламига мувофиқлигини назорат қилиш.

12. Аудиторлик қўмитаси ички назорат тизимини ташкил қилиш ва унинг фаолияти, таваккалчиликларни бошқариш, молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ва ташқи ва ички аудит фаолияти билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва ҳар томонлама ўрганиш учун тузилган Кузатув кенгашининг органидир. Аудиторлик қўмитаси материалларни олдиндан кўриб чиқади ва қуйидаги йўналишлар бўйича қарор қабул қилиш учун Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлайди:

турли аудиторларнинг профессионал фаолиятини таҳлил қилиш асосида банк аудиторлигига номзодларини, уларнинг банкни аудиторлик текшируви бўйича таклифларини, танлаш мақсадида тендер ўтказиш учун улар томонидан тақдим этилган хизматларнинг мазмуни ва шартлари баҳолаш ва акциядорларнинг умумий йиғилишида кейинчалик тасдиқлаш учун Кузатув кенгаши аудиторларига номзодларни тақдим этиш, аудитор билан тузиладиган шартнома лойиҳаси бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

йиллик молиявий ҳисоботни ва ташқи аудиторнинг хулосаларини, шунингдек банкнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш натижалари, банкнинг йиллик молиявий ҳисоботи ва банкнинг йиллик ҳисоботида ва йиллик молиявий ҳисоботида келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги бўйича банк Тафтишчиси хулосаларини олдиндан кўриб чиқиш;

Ички аудит бошқармаси тўғрисидаги низомга ўзгартиришларни, ички аудит Бошқармасининг йиллик иш режалари ва уларнинг ресурслар билан таъминланишини, ушбу режаларни амалга ошириш натижаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ички аудит бошқармасининг чораклик ҳисоботларини кўриб чиқиш;

банкнинг ижроия органлари томонидан Ички аудит бошқармаси, аудиторлик ташкилоти ва назорат органларининг тавсиялари ва мулоҳазаларини тезкор бажарилиши бўйича чораларини кўриш учун Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш;

банк раҳбарияти юқори хатарларни ўз зиммасига олган вазиятлар тўғрисидаги ахборотларни кўриб чиқиш;

ички назорат ва хатарларни бошқариш самарадорлигини, уларнинг хусусияти, кўлами ва шартларига мувофиқлигини ҳамда унинг самарадорлигини ошириш чораларини баҳолаш

ички назорат тизимини ташкил этиш бўйича бошқа ҳужжатларни кўриб чиқиш.

Аудиторлик қўмитаси одатда Қўмитанинг йиғилишларига таклиф этиладиган Ички аудит бошқармаси бошлиғи билан ички алоқаларни таъминлайди.

13. Банк Бошқаруви банкнинг жорий фаолиятини бошқарувини амалга оширади, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно. Банк Бошқаруви ички назоратни амалга ошириш соҳасида:

банк Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишига, банкнинг ривожланиш стратегияси ва банкда ички назоратни ташкил этиш соҳасида сиёсат амалга ошириш учун жавобгар;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқиладиган барча масалаларни, шу жумладан йиллик ҳисоботни, шунингдек банкнинг

йиллик бухгалтерия ҳисоботини муҳокама қилади, улар бўйича тегишли қарорлар лойиҳаларини тайёрлайди, уларнинг бажарилишини таъминлайди;

бўлинмалар раҳбарларининг тегишли даврлардаги фаолияти натижалари ва фаолиятнинг муайян йўналишлари бўйича натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини муҳокама қилади;

банкнинг хатарларни бошқариш соҳасидаги сиёсатини белгилайди, уни самарали амалга ошириш учун шарт-шароитларни таъминлайди, банкда хатарларни бошқариш жараёнини ташкиллаштиради, хатарларнинг айрим турларини бошқариш учун жавобгар бўлинмаларни белгилайди;

банк бўлинмалари ишига энг илғор банк технологияларини жорий этишни ташкиллаштиради, банк ишларини комплекс автоматлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга оширади, замонавий банк инфратузилмаси яратилишини таъминлайди.

банкдаги бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот ва ички назоратнинг ҳолатини кўриб чиқади, банкнинг алоҳида бўлинмалари раҳбарларининг уларнинг фаолиятини ревизия қилиш ва текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади, ушбу масалалар бўйича қарор қабул қилади.

бошқа материалларни ва ички назорат самарадорлигини даврий баҳолаш натижаларини кўриб чиқади;

банкнинг жорий фаолиятини тартибга солувчи ички ҳужжатларни, шу жумладан банкнинг фаолиятнинг турли соҳаларидаги сиёсатини, банк хатарларини бошқариш, банкнинг коллегиял органларининг фаолиятини белгилайди, тасдиқланиши Акциядорлар умумий йиғилиши ва банк Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган ички ҳужжатлар бундан мустасно, ички назорат соҳасидаги ички ҳужжатлар, қоидалар ва тартибларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколатини тегишли бўлим раҳбарларига топширади;

Ички аудит бошқармасининг ҳисоботлари ва бошқа маълумотларини банкнинг ички назорат тартибини белгилайдиган ички ҳужжатларига мувофиқлигини, ҳамда ушбу ҳужжатлар таркибидаги банкнинг хусусияти ва кўламига мувофиқлигини баҳолаш натижаларини кўриб чиқади;

ахборот узатиш ва алмашилиш самарали тизимини яратишни таъминлайди;

ички назоратда аниқланган қонунбузарликлар ва камчиликларни бартараф этиш учун назорат тизимини яратиш ва унинг ишлашини таъминлайди.

14. Банк **Бошқаруви раисининг** ички назоратни амалга ошириш соҳасида ваколатларига қуйидаги масалалар киради:

таркибий бўлинмалар раҳбарларига ички назорат соҳасидаги қоидалар ва тартибларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш ваколатини бериш;

вазифаларни ички назоратнинг аниқ йўналишлари учун масъул бўлган таркибий бўлинмалар ва ходимлар ўртасида тақсимлаш;

ўз хизмат вазифаларига мувофиқ барча банк ходимларининг ички назоратида иштирок этишини таъминлаш;

ходимларни банкнинг бошқарув органлари ва бўлимлари раҳбарларига Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ҳужжатлари, таъсис ва ички ҳужжатлар бузилганлиги, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, касбий этика қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари тўғрисида маълумот этказиш тартибини ўрнатиш;

ички назорат хизматининг банк бўлинмалари ва ходимлари билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари бўйича ҳужжатларни қабул қилиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларига, ички назорат мақсадларига зид бўлган хатти-ҳаракатлар содир этилишини рағбатлантириши мумкин бўлган қоидалар қабул қилиниши ва амалиётга тадбиқ этилишини истисно этиш;

Ички аудит бошқармаси томонидан аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш устидан назоратни (шу жумладан такрорий текширувлар ўтказиш) амалга ошириш тартибини белгилаш.

Уставга мувофиқ, Банк Бошқаруви раиси муайян мансаб ваколатларини бошқа шахсларга топшириш, шунингдек, ўз қўл остидагиларга вақтинча вазифаларни юклаш ҳуқуқига эга.

15. Банк **Тафтишчиси** банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши томонидан банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун сайланади.

Банкнинг молиявий йил фаолияти якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини, шунингдек исталган вақтда ўз ташаббуси билан, Акциядорлар Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши қарори билан ёки банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 10 фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан текширув (тафтиш) ўтказди;

банкнинг молия-хўжалик фаолияти аудити натижаларига кўра, аудит натижалари тўғрисидаги асосий хулосаларни ўз ичига олган хулоса тузади, аудит давомида аниқланган қоидабузарликларнинг рўйхатини тузади ва уларни бартараф этишни бўйича таклиф киритади;

Кузатув кенгашига, банк Бошқаруви Раисига кўриб чиқиш ва тегишли чоралар кўриш учун текширув материалларини тақдим қилади.

16. Банк **Бош бухгалтерининг** ички назоратни амалга ошириш соҳасида ваколатларига қуйидаги масалалар киради:

ҳисоб сиёсатини шакллантириш;

бухгалтерия ҳисоби юритиш, манфаатдор фойдаланувчиларга тўлиқ ва аниқ бухгалтерия ҳисоботни ўз вақтида тақдим этиш;

амалга оширилаётган хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш, мулк ҳаракати ва мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш.

Банкнинг Бош бухгалтерига бухгалтерия ҳисобини юритадиган барча ходимлар ва бухгалтерия операциялари ва бухгалтерия ҳисоби бажариш соҳасида таркибий бўлинмалар бўйсундилар. Бош бухгалтернинг операцияларни ҳужжатлаштириш ва бухгалтерия бўлинмаларига зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш талаблари банкнинг барча ходимлари учун мажбурийдир.

17. **Ички аудит бошқармаси** банкнинг ички назорат тизими, таваккалчиликларни бошқариш тизимлари, ахборот хавфсизлиги тизимлари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг ишончлилиги ва Ички аудит бошқармаси тўғрисидаги низомда назарда тутилган хўжалик-молиявий фаолияти устидан ички назорат тартибларига риоя қилиш бўйича назорат функциясини ўз ичига оладиган бир қатор бошқа назорат функциялар самарадорлигини текшириш ва баҳолаш вазифалари юкланадиган банкнинг таркибий бўлинмасидир.

Ички аудит бошқармасининг асосий вазифаси банкнинг бошқарув органларига банкнинг ички назорат тизимининг юқори самарадорлигини, унинг тезкор аниқлаши ва юзага келиши мумкин бўлган хатолар, қонунбузарликлар ва камчиликларга муносиб жавоб беришда ёрдам беришдан иборат.

Ички аудит бошқармаси ўз фаолияти давомида учинчи шахслар ва бўлимларнинг аралашувидан холи ва фақат банк Кузатув кенгашига ҳисобот беради. Ички аудит бошқармаси бошқарув органларини:

режаларнинг бажарилиши ва текширишлар натижалари тўғрисида;

амалдаги қонунчилик, белгиланган меъёр ва қоидалар, банк раҳбарияти қарорларининг жиддий бузилишлари, банк ишининг молиявий натижаларига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин бўлган банкнинг ички назорат тизимидаги жиддий носозликлар тўғрисида;

ички назорат ва хатарларни бошқариш тизимидаги муаммолар бўйича тавсияларни бажариш ва аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида;

банк учун номақбул бўлган ёки қабул қилинган назорат чоралари хавф даражасига мос келмаса банк бўлинмалари ёки хатарни бошқарув органлари раҳбарияти томонидан ўз зиммаларига олган фактлар тўғрисида хабардор қилади.

Ички аудит бошқармаси фаолияти касбга ва ички аудитнинг амалиёти билан боғлиқ тамоийларга асосланади: мустақиллик, бетарафлик, ҳалоллик, ҳолислик ва касбий мослик.

Ички аудит бошқармаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ молиявий-хўжалик фаолиятини ички назорат тартиб-қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича қуйидаги функцияларни бажаради:

банк фаолиятининг барча йўналишларини текшириш, умуман ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш, шу жумладан, банк бошқаруви қарорларини бажариш;

банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ банк хатарларини ва банк хатарларини бошқариш тартибларини баҳолаш методологиясининг самарадорлигини ва банкнинг ушбу ҳужжатлари қўлланилишининг тўлиқлигини текшириш;

ностандарт ва фавқулодда вазиятларда қабул қилинган чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, маълумотлар базалари яхлитлигини ва уларни рухсатсиз киришдан ва (ёки) фойдаланишдан ҳимоялашни назорат қилишни ўз ичига олган автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш учун ички назорат тизимининг ишлаши ишончлилигини текшириш;

банк номидан операциялар ва битимларни амалга оширишда ходимларнинг лавозим ваколатларига мувофиқлиги устидан назорат;

текшириш натижалари бўйича банк бўлинмалари ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар самарадорлиги бўйича назорат қилиш ҳамда Кузатув кенгашига камида олти ойда бир марта тавсияларни бажариш ва аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида, шунингдек банк фаолиятининг айрим турларида ички назорат функцияларини бажарувчи бўлинмаларнинг текширилиши тўғрисида маълумот тақдим этиш;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг тўлиқлиги, ишончлилиги, ўз вақтида бўлишини ва ҳолислигини, шунингдек маълумот ва ҳисоботни йиғиш ва тақдим этишнинг ишончлилигини (шу жумладан, ишончлилиги, тўлиқлиги ва ўз вақтида бўлишини) текшириш ва синовдан ўтказиш;

банк мулкнинг сақланишини таъминлаш учун ишлатиладиган усулларни текшириш;

банк томонидан амалга ошириладиган операциялар ва бошқа битимларнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини баҳолас;

банкнинг ички ҳужжатларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўзини ўзи бошқариш органлари стандартларига мувофиқлигини назорат қилиш;

амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, тасдиқланган йиллик ва узоқ муддатли режаларга мувофиқ банк бўлинмалари фаолиятининг молиявий-иқтисодий томонларини мунтазам равишда текшириш;

алоҳида функциялар ёки операцияларни бажарилишини ташкил этиш бўйича мақсадли текширишлар;

банк бўлинмалари томонидан уларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар (шу жумладан ички йўриқномалар ва кўрсатмалар) бажарилишини текшириш;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ва банкнинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

18. Банк **Ички назорат бошқармаси** ички назоратни амалга ошириш соҳасида ваколатларига қуйидаги масалалар киради:

банкда жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга (ювишга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш

банк фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига, назорат ва тартибга солувчи органларининг жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга (ювишга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ талабларига, шунингдек хорижий фуқаролар ва юридик шахслар билан молиявий операцияларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқлигини назорат қилиш;

назорат ва тартибга солувчи органлари билан жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга (ювишга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалар бўйича ҳамкорлик қилиш;

банк ходимлари ва раҳбариятига жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга (ювишга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қоидалар ва стандартлар бузилишининг барвақт олдини олиш билан боғлиқ масалалар ва чоралар тўғрисида маслаҳат бериш;

ходимларнинг муносиб хулқ-атвори мониторинг қилиш, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга (ювишга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш.

жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга (ювишга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалар бўйича банк ходимларини (шу жумладан, банк раҳбариятини) ўқитиш;

банкнинг ички ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функциялар.

19. Банк **Таваккалчиликларни бошқариш бошқармаси** ички назоратни амалга ошириш соҳасида ваколатларига қуйидаги масалалар киради:

банк учун хавф миқдорини ўзгартирадиган барча қарорларда иштирок этиш;

белгиланган лимитларга мувофиқлигини таъминлаш орқали хатарларни бошқариш;

лимитни ошганлиги тўғрисида банк раҳбариятини хабардор қилиш;

кредит ҳужжатлари матни битимнинг тасдиқланган шартларига мувофиқлигини таъминлаш;

кредит шартномасининг барча шартларини мижоз томонидан бажарилишларини текшириш;

гаров предметининг ҳақиқий ҳолатини текшириш (миқдорий ва сифат кўрсаткичлари).

20. **Ахборот хавфсизлиги бошқармасининг** ички назоратни амалга ошириш соҳасида ваколатларига қуйидаги масалалар киради:

автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиш шу жумладан маълумотлар базаларининг яхлитлигини ва уларни рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш устидан назорат қилиш, фавқулодда вазиятларда ҳаракат режаларининг мавжудлиги;

маълумотларни тўплаш ва тақдим этишнинг ишончлилиги ва ўз вақтида бажарилишини текшириш;

бетўхтов ва узлуксиз ишлашни таъминлаш учун компьютер тизимларини назорат қилиш;

автоматлаштирилган ахборот тизимларида маълумотларни захира қилиш ва тиклаш тартибларини ташкил этиш, автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш давомида ёрдам бериш устидан назоратни амалга ошириш;

рухсатсиз киришдан ва махфий маълумотларни тарқатишдан ҳимоя қилиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш.

21. Жараёнларни бошқариш тизими барча асосий банк жараёнларини расмийлаштиришни, жараён эгаларини тайинлашни, асосий кўрсаткичларни аниқлашни, бошқарув механизмини яратишни ва доимий такомиллаштиришни таъминлайди.

22. Банкнинг ҳар бир ходими ички назорат жараёнида иштирок этади. Жалб қилиниш даражаси бажариладиган ишнинг хусусиятига ва лавозим вазифаларига боғлиқ. Назорат функцияларини бажариш учун ходимларнинг шахсий жавобгарлиги уларнинг лавозим йўриқномаларида ва ташкилий-бошқарув ҳужжатларида белгиланади.

23. Барча ходимлар ички назорат тизимида ишлатиладиган ахборотларни генерация қилади ёки назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади. Ички назорат тизимининг муҳим элементи барча ходимлар томонидан ўз вазифаларини самарали бажариш ва раҳбарият эътиборига ҳар қандай операцион муаммоларни, касбий этика қоидаларига риоя қилмаслик ёки бошқа қоидаларни бузиш ёки суиистеъмол қилиш ҳолатларини тегишли равишда етказиш зарурлигини тан олишдир.

V. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ МОНИТОРИНГИ

24. Ички назорат тизимининг мониторинги - бу хавфларни ўсиш эҳтимоллигини баҳолаш мақсадида уларни бошқариш, самарадорликни баҳолаш ва ишлатилган рискларни бошқариш усулларининг камчиликларини аниқлаш, доимий равишда ахборот базасини шакллантириш асосида, шунингдек хавфли ҳодисаларнинг (ҳоларлар) пайдо бўлиши, шунингдек, ушбу ҳодисаларнинг (ҳоларлар) юзага келиш сабабларини таҳлил қилиш хатарни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мониторинг қилиш мақсадида доимий равишда олиб бориладиган кузатув.

25. Банк ички назорат тизимини мониторингини доимий равишда амалга оширади. Ички назорат тизимининг мониторинги банкнинг турли бўлимлари раҳбарияти ва ходимлари томонидан, шу жумладан шу жумладан банк операциялари ва бошқа битимларни амалга оширувчи ва уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирувчи бўлинмалари, шунингдек банк ички аудит бошқармаси томонидан амалга оширилади. Банк узлуксиз ишлашни ва (ёки) кутилмаган ҳолатлар натижасида бузилган фаолиятини қайта тиклашни таъминлайди.

26. Ички назорат тизимини мониторинги қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ички назорат тизимининг мувофиқлиги ва самарадорлигини текшириш ва баҳолаш;
- хатарларни бошқариш тартиблари ва хатарларни баҳолаш усулларининг қўлланилиши ва самарадорлигини текшириш;
- бошқарув тизими ва молиявий маълумотларни, шу жумладан электрон ахборот тизими ва электрон банк хизматларини текшириш;
- бухгалтерия ҳисоби ёзувлари ва молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги ва ишончлилигини текшириш;
- активларни сақлаш воситаларини текшириш;
- операцияларнинг тежамлилигини ва самарадорлигини текшириш;
- транзакцияларни ҳам, ички назоратнинг аниқ бир тартиб-қоидаларини ишлашини ҳам синовдан ўтказиш;
- меъёрий ва тартибга солувчи талабларга, ахлоқ кодексларига ва методология ва процедураларни амалга оширишга мувофиқлигини таъминлаш учун яратилган тизимларни текшириш;
- маҳсус текширувларни ўтказиш.

27. Ички назорат тизимини мониторинг қилиш мақсадида банк раҳбарияти ва ходимлари банк операциялари ва бошқа битимларни амалга ошириш жараёнида қуйидагиларни баҳолашлари керак:

ички усуллар, дастурлар, қоидалар, тартиблар ва процедураларга, шунингдек белгиланган лимитларга риоя қилиш;

ҳисоб ва ҳисобот тизимларининг ишончилиги, тўлиқлиги ва объективлиги, бошқа маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва сақлаш;

банк томонидан амалга ошириладиган операциялар ва битимларга нисбатан ички назорат тизимини ташкил этиш соҳасида банк томонидан ўрнатилган ва қўлланиладиган назоратнинг муайян усуллари ишончилиги.

28. Ички назорат тизими ишлаш жараёнининг доимий мониторинги, унинг ишлаши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек назорат тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш Банкнинг Ички аудит бошқармасига юклатилган. Бошқарма банк фаолиятининг турли ҳил йўналишларини ва бўлинмаларини тешириш орқали белгиланган тартиб ва қоидаларнинг мувофиқлигини, шунингдек уларнинг тўлиқ риоя этилишига мустақил баҳо беради. Банкнинг Ички аудит бошқармаси фаолияти амалдаги қонунлар, Ички аудит бошқармаси тўғрисидаги низом ва банкнинг аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

29. Ички назорат тизимини мониторинг қилиш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича талаблар:

банк раҳбарияти ва ходимлари, банкнинг Ички аудит бошқармаси ёки бошқа назорат бўлинмалари томонидан аниқланган ички назорат камчиликлари тўғрисида маълумот тегишли раҳбарларга етказилиши ва тезкор ҳал этилиши керак;

банкнинг Ички аудит бошқармаси бошлиғи ва Бошқарув раисининг ўзаро муносабати билан ички назоратда аниқланган камчиликларни тезда бартараф этиш тизими, шу билан бирга аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўрилишини таъминлайди. Аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш учун жавобгарлик банк раҳбарияти ва банкнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига юклатилади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

30. Ички назорат масалаларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган банкнинг ҳар қандай ички ҳужжатлари ушбу Сиёсатга зид бўла олмайди.

31. Ушбу Сиёсат, шунингдек унга киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради. Сиёсатнинг янги таҳрири кучга киргандан сўнг, Сиёсатнинг олдинги таҳрири ўз кучини йўқотади.

32. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлари ўзгариши натижасида мазкур Сиёсатнинг айрим моддалари улар билан зид келиб қолса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва банк Сиёсатига ўзгартишлар киритилган вақтга қадар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ иш юритилади.